2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2012-YIL 25-OKTABR, PAYSHANBA, 124-125 (8050)-sonlar | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.

## БУГУН – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Мустаҳкам, бахти тўкис оила ҳақида гап кетганида, аввало, маънавий етук, жисмонан соғлом фарзандларни тарбиялаб камолга етказаётган ота-оналар кўз олдимизга келади. Фарғоналик Ҳусниддин Йўлдошев оиласи ҳам ана шундай оилалардан.

Оила бошлиғи Ҳусниддин Йўлдошев Қувасой шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор навбатчиси, майор. Ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаш билан бир қаторда санъатга меҳр қўйган инсон. Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ягонасан муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги республика босқичида Ватанни мадҳ этувчи қўшиғи билан учинчи ўринни қўлга киритди. Оила бекаси Маҳбубахон Йўлдошева — педагог. Фарғона шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида ўқувчиларга биология фанидан сабоқ беради. Оилада икки ўғил, икки қиз камол топмоқда.

Ўз оиласида соғлом турмуш тарзини шакллантира олган бу икки инсон, айниқса, фарзандлари тарбиясига алоҳида масъулият билан ёндашади. Болаларининг илму маърифат, спортга ошно бўлиши, миллий қадриятлар руҳида камол топиши йўлида вақтини ҳам, маблағини ҳам аямайди.

**СУРАТДА:** *Ҳусниддин Йўлдошев ва Маҳбубахон Йўлдошева фарзандлари Аслиддин, Хумоюнмирзо, Мафтуна ва Мадинабону билан.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Самарқанд Вилояти

# ҲОСИЛ БАЙРАМИ

**ЖОРИЙ МАВСУМДА 91,5 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНДА ПАХТАНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС НАВЛАРИНИ ЭКИБ, ПАРВАРИШЛАГАН САМАРҚАНДЛИК ФЕРМЕРЛАР ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭВАЗИГА МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРДИЛАР. ДАВЛАТГА 230 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ХОМАШЁСИ СОТИЛИБ, ЙИЛЛИК ШАРТНОМА РЕЖАСИ БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА БАЖАРИЛДИ.**

Вилоят пахтакорларининг ҳосил байрамида ана шу муваффақиятлар ва унинг бош омиллари ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли изчилислоҳотлар бугун юксак самаралар бермоқда. Айниқса, мулкчиликнинг янги шакли сифатида ташкил этилган фермерлик ҳаракати айни пайтда соҳада ҳал қилувчи кучга айланди. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли юз фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Одамларнинг ерга муносабати тубдан ўзгариб, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги ошди.

Самарқандлик фермерлар ҳам ана шундай эътибор ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар. Бу йил эрта баҳорда ерга чигит қадаган 2500 дан зиёд фермер хўжаликларининг аксарияти бугун шартнома мажбуриятларини муваффақиятли адо этди. Маълумотларга кўра, 140 фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 40 центнергача, 100 га яқин фермер хўжалиги эса 40-60 центнергача ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Иштихон туманидаги "Ўртақишлоқ", "Руҳиддин", Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", "Саодат Назарова даласи", "Суйлигоп", Нарпай туманидаги "Бахринисо Қодирова", "Шаҳбоз Мардонов", "Чакалакзор", "Зафаржон Абдужабборов", "Нарпай Сардоба", Оқдарё туманидаги "Шарқ тонги", Пахтачи туманидаги "Ғаллакор", "Мирзаев Шавкат Кенжаевич", Пайариқ туманидаги "Холдор ота" фермер хўжаликлари шартнома режасини бир ярим-икки ҳисса ошириб бажарди.

– Ерларимиз Қорадарё этакларига туташ тошлоқ ва қумлоқ майдонлардан иборат, – дейди Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил" фермер хўжалиги раҳбари Аваз Ҳосилов. – Бундай далада деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Лекин давлатимиз томонидан берилаётган эътибор туфайли йилдан-йилга ҳам пахта, ҳам ғалладан юқори ҳосил олишга эришяпмиз. Бунда хўжалигимиз ерлари атрофидаги 8 километрдан зиёд узунликда зовур қазилиб, саксон гектардан зиёд экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани катта наф берди. Натижада жорий йилда 56,6 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 60 центнердан ҳосил олдик.

Вилоят пахтакорлари етиштирган ҳосилнинг 85 фоизи юқори навларга сотилди. Пахтачиликнинг ўзидан 200 миллиард сўмга яқин даромад олиниши кутилмоқда.

Ҳосил байрамида мавсум илғорлари муносиб тақдирланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САНОАТЧИЛАРНИНГ САМАРАЛИ КЕЛИШУВЛАРИ

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МАЖМУАСИДА VI ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРАКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖА БЎЛИБ ЎТМОҚДА





Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз саноати жадал ривожланмоқда. Соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида саноатнинг барча тармоқлари самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ошмоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг юқори суръатлари таъминлангани ҳам ушбу ишлар самарасидир.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарорида ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал юксалтириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини, одамлар даромади ва турмуш даражасини янада ошириш зарурлиги белгиланган.

Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа одатда икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда – ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари бўлиб ўтади, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кенг тадқиқ қилиш, корхоналарга ўзаро ҳамкорликни ўрнатишига, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга сотишига, келишувлар ва битимлар тузишига кўмаклашишдан иборат. Яна айтиш жоизки, ушбу форум саноатчиларимизга тажриба алмашиш, янги ҳамкорлар топишда қўл келаётир. Муҳими, бунда янги истиқбол режаларини тузиш, инновацион ишланмаларни кенг намойиш этиш имкониятлари ҳам яратилган.

Кўргазмаларда саноатимизнинг етакчи – машинасозлик, автомобилсозлик, электр техника, қурилиш саноати, металлургия, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика ҳамда бошқа тармоқлари қатнашмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг бу йилги кузги босқичида мамлакатимизнинг 1100 дан ортиқ корхонаси, хорижий фирма ҳамда компанияларнинг қарийб минг нафар вакили қатнашмоқда.

Ярмарка давомида Ўзбекистон саноат корхоналари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига ўз саноат салоҳиятини бу ерга ташриф буюрадиганлар эътиборига ҳавола этиш учун яхши имконият тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, хўжалик субъектлари техник ва технологик имкониятларини янада тўлиқ намойиш этиш мақсадида ихтисослаштирилган тақдимот маросимларини ўтказишмоқда.

Унинг ўтган икки иш кунида "Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати" давлат корхонаси, "Навоий тоғ-кон металлургия комбинати", "Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати", "Ўзбекистон металлургия комбинати", "Чирчиққишлоқмаш", "Тошкент трактор заводи", "Тошкент агрегат заводи" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Ўзавтойўл", "Ўзавтосаноат", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзқурилишматериаллари" каби компаниялар ўз тақдимотларини ўтказди. Шунингдек, бу ерда нафақат етакчи саноат тармоқлари, балки улар учун инновация лойиҳаларини ишлаб чиқадиган илмий институтлар, шунингдек, истиқболли кичик корхоналарнинг ўнлаб марказлаштирилган тақдимот маросимлари ҳам ўтказилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтади. Ўтган кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг саноати тақдимотларда ўз аксини топди.

– Ушбу тадбир бизга ҳамкорларни топишда катта ёрдам бермоқда, – дейди "Тошрангмет заводи" муҳандис-конструктори Равшан Ғуломов. – Корхонамиз учун хомашё иккиламчи рангли металлар ҳисобланади. Ўтган тўққиз ойда корхонамизда 19 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 4,8 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 1,9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу, энг аввало, янги иш ўринлари яратилишда муҳим омил бўлди. Ўтган даврда 16 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. 2013 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 107 фоизга оширишни мақсад қилганмиз. Ярамарка давомида корхонамиз учун зарур бўлган янги маҳсулотлар, техника ва технологияларни, хомашёни шу ерда ҳамкорларимиз билан келишиб оламиз.

– Корхонамизда 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади, – дейди "Сампласт" хусусий корхонаси раҳбари Тожиқул Пўлатов. – Жорий йилнинг ўтган даврида 220 минг метр куб маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бердик. Ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 15 фоиздан ошди. Тўрт йилдан буён ушбу ярамаркада иштирок этиб келяпмиз. Энг муҳим томони шундаки, ярмарка бизга янги-янги ҳамкорлар топишда қўл келаётир. Хусусан, ҳозиргина "Жомбой жавоҳири" корхонаси билан хомашё олиш бўйича келишиб олдик.

– Бизнинг корхона полимер, лок-буёқ, пластик, фармацевтика саноатидаги барча корхоналарга зарур бўлган кальцитни ишлаб чиқаради, – дейди "Жомбой жавоҳири" корхонаси мутахассиси Нажмиддин Сафаров. – Бир кунда 100-120 тонна маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш қувватига эгамиз. Мазкур ярамаркада кўплаб шартномалар тузишга муваффақ бўляпмиз.

Бу ердаги инновацион ишланмалар, янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар намойиши мамлакатимиз саноатининг жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Сирасини айтганда, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада саноатимиз салоҳияти тўла намоён бўлмоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ШУКРОНАЛИК ВА ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 22 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ МАМЛАКАТИМИЗДА УШБУ БАЙРАМНИ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛДИ.

**Бу айём эзгулик, меҳр-оқибат ва саховат тантанаси сифатида тинч-тўкин ҳаётимизни янада зиёда қилиш, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.**

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ ЮНУСОВ Қурбон ҳайитининг халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳамда мамлакатимизда уни миллий қадриятларимизга мос тарзда нишонлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

– Аллоҳга шукроналар бўлсинки, истиқлол шарофати билан диёримизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этиши учун барча шарт-шароит яратилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1991 йил 20 июнда қабул қилинган "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги фармони асосида миллатимиз тарихи, қадри ва қадриятларига дахлдор бу муборак айём катта маънавий жасорат билан яна халқимизга қайтарилди.

Шундан буён ҳайит кунлари мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 22 октябрда қабул қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу айёмни жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу улуғ айёмни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган куннинг 20 йиллик байрами арафасида кутиб олаётганимиз янада қувонарлидир. Зеро, Асосий қонунимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланган.

Хусусан, ислом динининг ривожи йўлида ҳам ғоят улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти ташкил этилди, бир нечта ўрта махсус диний билим юртлари очилди. Уларда ёшларимизга замон талаблари ва миллий қадриятларимизга мос тарзда диний ва дунёвий билим берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул қилинган қарорига асосан ташкил этилган Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий халқаро марказида юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, диний ходимларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби ислом дини ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган улуғ аллома ва азиз-авлиёларимизнинг номи тикланди, меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш йўлга қўйилди, уларнинг юбилейлари кенг нишонланди.

Ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак ҳаж ибодатини адо этиш бахтига муяссар бўлмоқдалар. Уларнинг эмин-эркин ибодат қилиб, соғ-саломат қайтишлари учун барча шароит яратилмоқда. Ушбу фазилатли кунларда бутун дунё мўмин-мусулмонлари қатори беш мингдан ортиқ ҳамюртларимиз Аллоҳнинг байтини зиёрат қилаётирлар.

Маълумки, бу кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан кутлаб, қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узр сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар. Бу азалий қадриятларимиздандир.

Байрам кўчаю хонадонлар, маҳаллалар ободлиги билан янада файзлидир. Қурбон ҳайити байрами арафасидаги ҳашарлар, байрам куни дилдан айтилган эзгу тилаклар ва ўзаро улашилган таомлар – халқимизнинг асрлар оша бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келаётгани ифодасидир. Буларнинг барчаси мустақиллигимизни, инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва бирдамлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қурбон ҳайитини тинчлик, осойишталик ва хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин. Юртимиз доимо тинч, халқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**ЎзА мухбири**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**
**ёзиб олди.**

# АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС ҚОНУН

**Ўзбекистон фуқаро авиацияси ўзининг йигирма йиллик тараққиёти давомида улкан, шарафли йўлни босиб ўтди. Хусусан, фуқаро авиациясини ривожлантириш бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг амалга оширилиши натижасида юртимизнинг кўплаб давлатлар билан самарали ҳамкорлиги янада кенгайди ва алоқалари мустаҳкамланди. Шунингдек, авиация хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, авиация техникасига сифатли хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш, қолаверса, малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида эришилган юксак натижалар нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.**

■ **Эркин ҲАЙИТОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи в.б.*




Маълумки, Президентимизнинг 1992 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони билан юртимизда ушбу йўналиш бўйича ишончли, хавфсиз, замонавий ва юқори даражада сервис хизматлари кўрсатувчи мустаҳкам тизимга асос солинган эди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг авиаташув паркларининг босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида "Ил-62", "Ил-86", "Ту-154", "Як-40", "Ан-24" каби эски русумдаги самолётлар ўрнини дунё авиасаноатида етакчи ҳисобланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган, халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб берадиган, ҳар жиҳатдан қулай ҳаво лайнерлари эгаллай бошлади.

Миллий авиакомпаниямиз рамзи туширилган биринчи замонавий "А-310" самолёти 1993 йилнинг июнь ойида парвозини бошлаган бўлса, кейинчалик авиакомпания парклари "B-767-3ER", "B-757-200", "B-767-300ER", "A-320", "RJ-85" ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган ва маҳаллий шароитларга мос "Ил-114-100" сингари самолётлар билан бойитилди.

Мамлакатимизнинг барча аэропортлари модернизация қилинди, жаҳон андозаларига мос учиш ва қўниш майдони, йўловчилар перрони, аэродром каби объектлар ҳамда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган аэропортлар тармоғи барпо этилди.

Авиакомпаниямиз таркибида Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган, сўнгги авлод авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш маркази фаолият юрита бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу марказнинг хизматидан 320 та хорижий авиакомпания ўз самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатишда кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, шунингдек, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда. Яъни, Ўзбекистон авиацияси халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлмоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларига учишни амалга оширмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 декабрдаги "Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро логистика интермодал марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, Навоий шаҳри аэропорти негизида халқаро интермодал логистика маркази ташкил этилди.

«Навоий» халқаро аэропорти Марказий Осиё юрагида жойлашган янги логистика маркази бўлиб, у Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиё мамлакатларининг марказида ҳамда Франкфурт, Милан, Дубай, Ҳиндистон, Шанхай ва Инчёндаги дунёнинг йирик авиация тармоқларидан 6 соатлик парвоздан кам бўлмаган масофада жойлашган. Ҳозирда у Европа ва Осиёни боғлаб турувчи янада рақобатбардош ҳудудий логистика марказига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ҳафтасига 30 дан ортиқ юк рейслари дунёнинг 14 та йирик – Сеул, Милан, Шанхай, Москва, Дубай, Алмати, Мумбай, Деҳли, Бангкок, Франкфурт, Брюссел, Вена, Дакка, Истамбул каби шаҳарларига амалга оширилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, яъни 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси қабул қилинди ҳамда у фуқаро авиацияси соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, ушбу Кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимиз авиациясининг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, Ўзбекистон авиация соҳасидаги бир қатор халқаро шартномаларга, хусусан, Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь), Халқаро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим (Чикаго,

> Ҳозирги кунга келиб, замонавий ҳаво кемалари билан таъминланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатига парвозларни амалга оширмоқда, шунингдек, йилига қарийб 75 минг транзит йўналишнинг ҳаво ҳаракатларини бошқармоқда. Яъни, Ўзбекистон авиацияси халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлмоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларига учишни амалга оширмоқда.

1944 йил 7 декабрь), Ҳаво кемаларига ҳуқуқларнинг халқаро тан олиниши тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1948 йил 19 июнь), Ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенция (Варшава, 1929 йил 12 октябрь) ва унга қўшимча протоколларига қўшилган бўлиб, мамлакатимиз мазкур халқаро шартномалар талабларига амал қилиб келмоқда.

Айни пайтда фуқаро авиацияси тараққиётининг замонавий тенденциялари мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурлигини англатади.

Шу боис, қонун ижодкорлари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тайёрланди ҳамда ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида 2012 йил 21 июнда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланди ҳамда жорий йилнинг 28 сентябрида расман матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 23 та моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, Кодекс 2 та янги модда билан, яъни ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш масалаларини тартибга соладиган 37[1]-модда ва йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини белгилайдиган 92[1]-модда билан тўлдирилди.

Хусусан, 37[1]-моддага кўра, ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилади. Шунингдек, ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификатини бериш тартиби эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўз навбатида, 92[1]-моддада эса йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво кемаси командири ёки экипажи аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шартлиги, шунингдек, йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Авиация маъмурияти томонидан белгиланиши ифодасини топган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси тўққизта моддасининг (54, 100, 103, 104, 106, 108, 109, 112, 115-моддалари) матни янги таҳрирда баён этилмоқда. Жумладан, ушбу ўзгартишлар орқали Кодекснинг: самовий ҳудудни таснифлаш; ҳаво кемасида жой банд қилиб қўйиш; ҳаво транспортида ташиш шартномасини ташувчининг ёки йўловчининг ташаббуси билан бекор қилиш; юкнинг ёки қўл юкининг олинмаслиги ва кечикиб олиниши; ташишнинг ахборот-реклама таъминоти; ҳаво транспортида ташишни таъминловчи барча хизматларга доир талаблар; ташувчининг масъулиятини тартибга солишнинг умумий принциплари; ташувчининг юк бутлиги учун жавобгарлиги масалаларини тартибга солувчи нормалари такомиллаштирилди.

Айниқса, Ҳаво кодексининг амалдаги учта моддаси (61, 99, 102-моддалари) аэронавигация ва аэропорт йиғимлари, чартер шартномаси ҳамда йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган имтиёзларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни кўзда тутган янги қисмлар билан тўлдирилганлиги қонун ижодкорлигининг муҳим ютуғи десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Ҳаво кодекси бешта моддасининг (43, 95, 113, 116, 122-моддаллари) айрим қисмларига ҳаво кемасининг ижарага беришда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтказилиши қоидалари; ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишларини бажариш қоидалари; йўловчининг ўлими ёки соғлиғига етказилган зарар учун ташувчининг жавобгарлиги; юк, қўл юки, шунингдек, йўловчи ёнидаги буюмларнинг йўқолиши, камомади ва уларга етказилган зарар учун ташувчи масъулиятининг миқдори ҳамда талаб қўйиш тартиби масалаларига аниқлик киритилди ва улар янги таҳрирда баён этиб берилди.

Қолаверса, Кодекснинг амалда бўлган 74, 83, 94, 98, 99, 101, 105 ва 106-моддаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таҳририй, атамашуносликка оид ўзгартишлар киритилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилинганлиги муносабати билан мамлакатимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари халқаро шартномалар нормалари асосида янада такомиллаштирилди. Бу эса ўз навбатида, фуқаро авиацияси хавфсизлиги ва парвозларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш, жаҳон андозаларига мос равишда авиация техникаларига сифатли хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

# Фаолиятда ибратли оилалар

*Ўз касбининг фидойиси, эл-юртда обрў-эътибор қозонган инсонларнинг зайти ёшлар учун чинакам ибрат мактабидир.*

Фарғона вилояти

## ҲУНАРМАНДЛАР...

**Қўштепа туманида ўз ҳунарига таяниб хусусий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар кўп. Янги-дўкон маҳалласида яшовчи уста-дурадгор Ортиқали Қодировнинг фарзанди Рўзиматжон ҳам ана шундай ишбилармон-ҳунармандлардан.**

2009 йилда О.Қодировлар оиласи юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлар ривожи учун яратилган қулайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қурилиш мадад самара» хусусий корхонасини ташкил қилган эди. Бугун Рўзиматжон Қодиров раҳбарлигидаги мазкур хусусий корхона Қўштепа тумани аҳолисини сифатли ва бежирим маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Бу ерда тайёрланаётган эшик, сўри, хонтахта, сандиқ, курсилар пишиқ ва чиройли ишланганлиги билан жуда харидоргир. Буюртмачиларнинг қадами узилмайди.

Оилавий тадбиркорлар хусусий корхонада ишлаб чиқаришдан ташқари ёшларни дурадгорликка ўргатиш ишларини ҳам йўлга қўйган.



Уста-дурадгор Ортиқали Қодиров шогирд ва набиралари билан.

Муҳиджон Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Самарқанд вилояти



Алишер Исроилов (ЎзА) олган сурат.

Тадбиркор оила — Бахтиёр Қаюмов ва Хуршида Ҳақбердиева, келини Насиба, қизи Муҳаррам ва ўғли Дониёр.

## ТАДБИРКОРЛАР...

**Самарқанд шаҳрининг Тадбиркорлар маҳалласида яшовчи Бахтиёр Қаюмов ва Хуршида Ҳақбердиева яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб "Хуршида ширинликлари" хусусий корхонасини ташкил этди.**

Жорий йилнинг июль ойидан ўз фаолиятини бошлаган ва беш киши ишли бўлган мазкур корхонада турли хил қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Унинг маҳсулотлари аҳолига манзур бўлаётганини харидорлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Қашқадарё вилояти

## ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР...

**Қаршилик Илҳом Юсуповнинг оиласини темир йўлчилар оиласи сифатида эътироф этадилар. Илҳом ака ҳам, рафиқаси Гулнора Тўраева ҳам олий маълумотли темир йўлчи. Улар темир йўл тизимида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда.**

Илҳом Юсупов "Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон" темир йўли қурилишида фаол иштирок этган. "Тошгузар-Окработ" участкасида раҳбар бўлиб ишлаган. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан 2007 йили "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

Айни пайтда тажрибали темир йўлчи Қарши минтақавий темир йўл узелида фаолият юритмоқда. Хонадон бекаси Гулнора опа эса Қарши транспорт коллежида бўлғуси темир йўлчиларга сабоқ беради. Темир йўлчилар оиласида билимга чанқоқ, ота-онаси каби меҳнатсевар фарзандлар вояга етаётир.



Илҳом Юсупов қизи Васила Юсупова ва рафиқаси Гулнора Тўраева билан.

Жамшид Норқобилов (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўртқўл туманидаги "Тўртқўлли Арабовлар" фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Унинг раҳбари Шавкат Арабов узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаган.

## БОҒБОНЛАР...

Биз Арабовлар хонадонига борганимизда катта майдонни эгаллаган олмазор, анжирзор ва узумзорга кўзимиз тушди. Тартибли шакл берилган мевали дарахтлар боғнинг чиройини янада оширган.

— Боғимизнинг мева бера бошлаганига энди уч йил бўлди, — дейди фермер Шавкат Арабов. — Шу қисқа вақт ичида боғдорчиликда яхши натижаларга эришдик. Қишлоқда ташкил қилган махсус дўконимизда қовун, тарвуз, помидор, пиёз, картошка ва сабзавот уруғлари савдосини йўлга қўйдик. Келажакда Тошкент ва Нукус шаҳарлари бозорларида ҳам боғимиз маҳсулотларини сотмоқчимиз.



— Тоза ҳаволи, кўркам боғдаги дарахтларга қараб, баҳри дилим очилади, — дейди фермернинг турмуш ўртоғи Мунаввар опа. — Келинларим Анорпошша, Маъруфалар билан бирга боғ ишларига қарашамиз. Турли хил сабзавотлар етиштирамиз.

Қишлоқдаги ибратли оилалардан саналган Арабовлар хонадонида бекорчи кишининг ўзи йўқ. Келинлар ҳамшира, ўқитувчи, тикувчи бўлсалар-да, ишдан бўш пайтлари боғ парваришига астойдил киришишади. Шунингдек, экиш қизғин бораётган эрта баҳор ва ҳосил йиғиб-териб олинадиган пайтларда хўжалик аъзоларидан ташқари мавсумий ишчилар ҳам меҳнатга жалб қилинади. Муҳими, бундан кўплаб оилалар иқтисодий манфаат кўришади.

**Қурбонбика ЮНУСОВА**

Сирдарё вилояти



Қаҳрамон Қунназаров олган сурат.

Туйгуной ая невара-чевaралари билан.

## ФЕРМЕРЛАР...

**Ховос тумани Соҳибкор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қайирма маҳалласида яшовчи 67 ёшли Туйгун ая Хўжамуродова саккиз нафар ўғил ва икки нафар қизни тарбиялаб вояга етказган нуроний онахонлардан.**

Туйгуной аяни фермерларнинг онаси дейиш мумкин. Негаки, унинг барча фарзандлари фермер ёки фермер хўжалигида ишлайди. Тўнғич ўғли Умаржон "Шаббена Умаралихон" фермер хўжалигини бошқаряпти. Ҳар йили шартномавий режаларни ортиғи билан уддаламоқда. Жорий йилда 57 гектар ернинг 32 гектарига буғдой экилганди. Давлатга дон сотиш шартнома режаси 110 фоизга ошириб бажарилди. 18 гектар майдондаги пахтадан ҳам мўл-кўл ҳосил олинди. Шунингдек, Худойқул механизаторлик касбини эгаллаган. Эгамқул "Саттор", Абдураҳим "Иброҳим-Саттор", Икромжон "Охунжон-Озодбек" фермер хўжаликларининг раҳбаридир. Анваржон — олий маълумотли ўқитувчи. Қизлари Манзура ва Маҳфуза уй бекаси бўлса, кенжа ўғли Қурбонали "Агробанк" ОАТБнинг Боёвут тумани бўлимида ишлайди.

— Инсон бирон-бир мақсад сари астойдил интилса, кам бўлмас экан, — дейди онахон. — Мустақиллик, Муҳтарам Президентимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар йўлимизни ёритди. Фарзандларим билан ерга меҳр қўйиб, меҳнат қиляпмиз. Шукр, бу меҳнатларимиз бесамар кетгани йўқ. Катта оиланинг бахтиёр онаси бўлиб юрибман.

Дарҳақиқат, мустақиллик фуқароларимизга улкан имкониятларни яратиб берди. Бугун бундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, оиласини мустаҳкамлаб олганларни кўриб, беихтиёр кишининг кўзи қувнайди. Ниятимиз эса юртимизда шундай бахтли, ибратли оилалар кўпаяверсин.

**Ҳасан АБДУВОҲИДОВ, Бозорбой БЕКМУРОДОВ.**

# КАСБ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мустақиллик йилларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таълим сифати ва мазмуни ошганлиги, малакали кадрлар тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.**



Умар Раҳмонқулов (ЎзА) олган сурат.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 1573 та янги турдаги таълим муассасалари, жумладан, 143 та академик лицей, 1430 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди. Бугунги кунда мазкур таълим муассасаларида 1 миллион 700 мингдан ортиқ ёшлар таълим ва тарбия олмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими сифатини тубдан яхшилашни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қарор асосида Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакилларидан иборат эксперт гуруҳлари ташкил этилиб, улар томонидан ўқув режалари ҳамда умумкасбий ва мутахассислик фанларининг ўқув дастурлари танқидий қайта таҳлил қилинди. Мутахассислик фанлари оптималлаштирилиб, маънавий эскирган мавзулар чиқариб ташланди, ишлаб чиқариш соҳаларига замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилиши муносабати билан янги мавзулар киритилди.

Таълим сифати ва мазмунини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Ихтисослаштирилган малака ошириш муассасаларида ходимлар малакаси оширилиб, педагогик маълумотга эга бўлмаган махсус фан ўқитувчилари педагогик қайта тайёрлов курсларида ўқитилмоқда. Шу билан бирга Европа, АҚШ, Осиё ва МДҲ давлатларида 1,5 мингга яқин ўқитувчи ва таълим муассасалари раҳбарлари малакаларини ошириб қайтдилар.

Таълим муассасалари моддий-техника базаси йилдан-йилга бойитилмоқда. Компьютер синфлари, спорт инвентарлари, тикувчилик ва чилангарлик устахоналари асбоб-ускуналари, қишлоқ хўжалик техника ва автомобиллари харид қилиш бўйича 3,1 миллиард сўмлик шартномалар имзоланиб, бугунги кунда ушбу техника воситалари таълим муассасаларига етказиб берилмоқда.

Жорий йилда хорижий инвестиция лойиҳалари асосида 77 та коллеж пайвандлаш, 5 та коллеж фотография, 20 та таълим муассасаси сув-газ таъминоти ва канализация тизимларини таъмирлаш, 13 та коллеж дурадгорлик ва пол ётқизиш йўналишлари бўйича жиҳозланди. Шунингдек, йил охиригача 14 та таълим муассасасига 1 миллион евро қийматидаги ўқув-лаборатория жиҳозлари етказиб берилади.

Тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаш масаласи хусусида алоҳида тўхталиб, бугунги кунда иш берувчилар ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликнинг янги моделларини жорий этиш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Нукус шаҳрида "Янги авлод" болалар ижодий фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар баҳслашди.**

## «ЯНГИ АВЛОД — 2012»: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фестивал давомида иштирокчилар мумтоз мусиқа, миллий чолғулар ижрочилиги, хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод йўналишлари бўйича ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Нукус шаҳридаги "Есжан бахши" номидаги 1-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Азиза Юсупова, Мийирбек Раметов, Беруний туманидаги 60-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Рахматжон Раминов, Элликқалъа туманидаги 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Денис Алиев, Тўрткўл туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бобур Алламберганов, Хўжайли туманидан "Тонг ғунчалари" гуруҳи аъзолари, жами 22 нафар иштирокчи ғолиб бўлди.

— Сўнгги йилларда миллий чолғуларга қизиқувчан ёшлар сафи кенгайиб бормоқда, — дейди фестивал ғолиби Динара Нуратдинова. – Қўнғирот туманидаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бахшичилик йўналиши бўйича таҳсил олаяпман. Келгусида Хурлимон бахшидек бўлишни орзу қиламан.

Ғолиблар фестивалнинг мамлакат босқичига йўлланма олишди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий вилояти

▼ ТАДБИРКОРЛИК

## ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ БИЛАН

**Навоий шаҳридаги "Ҳосил гарови — ишончи" тикувчилик корхонаси замонавий технологиялар асосида фаолият юритмоқда.**

— Корхонани ташкил этишда 410 миллион сўм инвестиция киритиб, банкдан 80 миллион сўм кредит олдик, — дейди корхона раҳбари Мамаёқуб Назаров. — Қисқа давр ичида 32 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Цехларимизни янада кенгайтириш ниятида яқинда Италиянинг "Santoni" компанияси билан шартнома имзоладик. Уни амалга ошириб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шунда корхона қуввати ҳам, ишчилар сони ҳам икки баробарга ортади.

Айни пайтда тикув цехларида 20 киши доимий иш билан таъминланиб, турли хил либослар, корхона, ташкилот ҳамда таълим муассасалари учун иш кийимлари ва чойшаблар тикилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган қулай шароитлардан оқилона фойдаланаётган ишбилармон Мамаёқуб ака бу билан чегараланиб қолмасдан 60 сотих жойда иссиқхона ҳамда 1000 та паррандага мўлжалланган товуқхона барпо этишни ҳам режалаштирган.

Тошкент вилояти

*Элига нафи тегиб яшаган, дилига эзгу ниятларни жо қилган саховатли инсонлар доимо иззат-ҳурматда бўлади. "Уфқ" фермер хўжалиги раҳбари Владимир Муратовни нафақат шўралисойликлар, балки Янгийўл тумани аҳолиси ҳам ҳурмат қилади. Боиси у қўли, кўнгли очиқ фермерлардан.*



## САХОВАТЛИ ФЕРМЕР

У раҳбарлик қилаётган хўжаликда 110 гектар ер бўлиб, у ерда пахта, ғалла билан бирга турли сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирилади. Даромади ҳам шунга яраша.

Албатта, фермер кўрилган фойдадан болалар уйларига, маҳалладаги кўп болали кам таъминланган оилаларга ҳамда якка-ёлғиз қарияларга саховат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, Владимир Муратов хўжалик аъзоларининг сиҳат-саломатликлари борасида ҳам доимо қайғуради. Ҳар йили 2-4 нафар хўжалик аъзоларига турли санаторий ва профилакторийларга бепул йўлланмалар бериб келяпти. Бу йил механизатор Алижон Ёрматовга санаторийда саломатлигини тиклашга оилавий дам олиш учун 2 та бепул йўлланма олиб берди.

**СУРАТДА:** *фермер хўжалиги раҳбари В.Муратов механизатор А.Ёрматовга санаторийга йўлланма топширяпти.*
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**



# ТАБИАТНИНГ НОЁБ ТУҲФАСИ

**Нурота тоғи ғарбий тизмасининг шимолий нишаблигида жойлашган Нурота шаҳри қадимда Хитой билан Европани боғловчи «Буюк ипак йўли»даги энг гўзал манзилгоҳлардан бири саналган. Туронзамин тарихида Нур номи билан машҳур бўлган бу шаҳар карвонлар тўхташи учун энг қулай ва бехатар жой ҳисобланган. Карвонлар бу ерга нафақат савдо ёки дам олиш, балки, шифобахш булоқ сувидан даво топиш мақсадида ҳам тўхташган.**

Кўҳна шаҳар ҳақида кўплаб ривоятлар ва афсоналар тўқилганки, уларнинг барчасида муқаддас чашма улуғланади. Денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган чашманинг ажиб синоатлари бор. Қуёшнинг эрталабки шаффоф нури таъсирида чашма узра беҳисоб сержило нурлар таралади. Сув юзасига кўтарилган балиқлар порлаб турган нурни янада ёғдулантиради. Бу нурнинг турли рангда ва турли шаклларда жилоланишининг ўзи бир мўъжиза. Ҳар куни минглаб одамлар ушбу ҳайратомуз сеҳр-синоатнинг гувоҳи бўлишади.



Чашма минг йиллар давомида она заминга обиҳаёт, инсонлар қалбига нур бахшида этиб келмоқда. Тарихий манбаларда қайд этилишича, бу мўъжиза мураккаб табиий жараёнлар натижасида пайдо бўлган.

— Чашма суви тоғ ичидан, тошлар орасидан сизиб ўтади, — дейди "Нурота табиий-меъморий мажмуаси музейи" раҳбари Шавкат Исмоилзода. — У ана шу тошлардаги турли хил кимёвий бирикмаларни, тоғ жинсларидаги ҳар хил элементларни эритиб, минераллашган ҳолда булоқ кўзларидан чашма бўлиб отилади. Чашманинг ғарб томонидаги сарирчашма — Панжоб қудуғи маҳаллий халқ тилида Нургулато деб аталади. Нургулато қудуғида беш панжа шаклида булоқ бор. Беш панжадан оқиб чиқаётган сув тўғри чашмага бориб қуйилади. Чашма суви «Чашма» мажмуасида дастлаб иккига бўлинади. Улар «Оби роста», «Оби чаппа» деб номланади. «Оби роста» ўз навбатида «Марги козий», «Марги хоний», «Оби чаппа» эса «Марги миршакар», «Марги миргадо» ариқлари орқали шаҳарга таралади.

Чашма ҳовузининг қурилиши тарихи ҳақида Саид ота маҳалласида яшовчи Шуҳратжон Мубинов бир ривоятни айтиб берди:

Бухоро амирининг севимли фарзанди оғир дардга чалиниб қолибди. Шунда табиблар шаҳзодани тоза ҳаволи, шифобахш сувли, сокин бир гўшага олиб бориш кераклигини маслаҳат беришибди. Амирнинг одамлари ғаройиб бир чашмага дуч келишибди. Чашма атрофи бағоят гўзал, суви эса шифобахш экан. Амирнинг буйруғи билан дарҳол шаҳзодани шу ерга олиб келишибди. Ҳунарманд усталар томонидан чашма ҳовузи кенгайтирилиб, атрофига тошлар терилибди. Амирнинг ўғли ҳар куни мусаффо тоғ ҳавосидан нафас олиб, чашма сувидан мириқиб ичибди. Шу аснода шаҳзода соғайиб кетган экан.

Дарвоқе, чашма суви хуштаъм, рангсиз, ҳидсиз, юмшоқ бўлиб унинг таркибида хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий, олтин, кумуш каби ўн олтита микроэлементлар борлиги билан шифобахшдир. Яна бир ҳайратомуз жиҳати, сувнинг ҳарорати қишу ёзда бир хилда эканлигидадир. У энг серсув чашмалардан бири бўлиб, бир сонияда 380-400 литр сув қайнаб чиқади. Чашма ҳовузида ва ундан шаҳар бўйлаб оқадиган ариқларда балиқлар шунчалик кўпки, уларга маҳаллий халқ ва зиёратчилар озор беришга, ҳатто уларни чўчитишга асло журъат этишмайди. Сабаби, халқ таъбири билан айтганда бу балиқлар булоқлар каби муқаддасдир.

Мустақиллик даврида чашма Нуротанинг энг гўзал, файзли масканларидан бирига айлантирилди. Унинг атрофида шарқона руҳда таъмирлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Бу ерда фаолият кўрсатиб келаётган «Ўлкашунослик музейи» янги бинога кўчирилиб, «Нурота табиий-меъморий мажмуаси музейи» номини олди ва у ерда доимий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Эндиликда Нур чашмаси, Нур қалъаси, IX аср ёдгорлиги «Чилустун» жомеъси, XVI аср ёдгорлиги «Панжавақта» катта гумбаз масжиди, музей заллари, шайх Абулҳасан Нурий мақбараси, Нургул бинти Абулҳасан қабри, Нургулато қудуғи ва мадраса ҳужралари ана шу меъморий мажмуани ташкил этмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ.**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**


«ОБУНА — 2013»

## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*«Qishloq hayoti» юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, хусусан, қишлоқлар ҳаётини ўзида тўлиқ акс эттирган газета.*
*«Qishloq hayoti»га 2013 йил учун обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.*



НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144





(29 октябрь - 4 ноябрь)

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04)**



Ҳафта давомида молиявий аҳволингизни яхшилашга ҳаракат қиласиз. Кетма-кет содир бўлган ижобий ўзгаришлардан кейин ҳаётингиз изига тушиб кетади. Ҳадемай моддий қийинчиликлар ҳам ортда қолади.

**БУЗОҚ (21.04 — 20.05)**



Яқинларингиз ишончини йўқотмай десангиз, энг яхши фазилатларингизни намоён этинг. Иш фаолиятингизда тўғри қарорлар қабул қилиб, ўз вақтида керакли чора кўришга ўрганинг. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)**



Сиз бошқаларнинг дилини ранжитмасликка ҳаракат қиладиган тарбияли инсонсиз. Юклатилган вазифаларни ҳам камчиликсиз адо этишга ҳаракат қиласиз. Аммо шу кунларда дўстман, деган душманлардан эҳтиёт бўлинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)**



Анчадан буён ечимини кутаётган масалани ҳал қилиш фурсати етди. Дадилроқ бўлиб, ўз куч ва имкониятингизни ишга солинг. Яхшигина моддий фаровонликка эришасиз. Бу борада қизиққонлик қилманг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08)**



Атрофдагиларга ҳаддан зиёд талабчан бўлиш ярамайди. Бу ўзаро ҳурматсизликка олиб келиши ҳам мумкин. Сиз учун жуда унумли келиши кутилаётган ҳафтани муросаю мадора билан ўтказишга ҳаракат қилинг.

**ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)**



Фақатгина ақлий меҳнат билан чегараланиб қолмай, кузги хўжалик ишларига ҳам бироз кўмаклашишни маслаҳат берамиз. Чунки жисмоний меҳнат инсон танасида қон айланишини яхшилайди ва чиниқтиради.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)**



Ўзингиздаги тушкун кайфиятга барҳам бериб, ҳаётга бошқача қарашга ҳаракат қилинг. Чунки сизни келаётган ҳафтада жуда ажойиб хабар кутмоқда. Бу янгилик ҳаётингизда туб бурилиш ясайди.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11)**



Ва ниҳоят қадрингизга етишмоқда. Буни чеккан заҳматларингиз учун берилган энг катта мукофот деб билинг. Ортиқча гина-кудратни йиғиштириб, фаолиятингизни давом эттиринг. Сизга бўлган ишонч ортади.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)**



Ўйлаган режаларингизни ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга оширасиз ва яхшигина сармоя тўплайсиз. Бу келгусидаги муваффақиятингизга замин яратади. Кези келганда дам олиб ҳордиқ чиқаришни унутманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)**



Келаётган ҳафтада ижодий лойиҳалар билан банд бўласиз. Бунинг учун сиздан сабот, куч-қувват талаб қилинади. Ҳеч иккиланмай изланишда давом этаверинг, албатта, рағбат оласиз. Меҳнатингиз юқори баҳоланади.

**ҚОВҒА (21.01 — 20.02)**



Қатор қийинчиликларга қарамай фаоллигингиз, интилувчанлигингиз туфайли бошлаган ишингизни ривожлантиришга эришасиз. Бу борада янги дўстлар орттирасиз, ҳамкорларингиз билан барқарор алоқалар ўрнатасиз.

**БАЛИҚ (21.02 — 20.03)**



Ҳозир бутун куч ва имкониятингизни касб фаолиятингизга қаратинг. Шунда мансаб зинапоясидан юқорилай бошлайсиз. Қўрқувларингизни енгинг — бунга қодирсиз! Омад сизга, албатта, кулиб боқади.


Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.45
15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 . 3 4 5